Mahalla

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

10 (664) www.mahalla.uz | 2009 йил 11 март. Чоршанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри ISSN 2010-7013 mahalla.gz@rambler.ru

14-15 март — умумхалқ хайрия ҳашари

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Диёримизга яратувчанлик, меҳр-оқибат, яшариш ва бунёдкорлик фасли — баҳор келиши билан табиат жонланди. Бободеҳқон дала бошига кўчди.

Боғбон токкайчи тутганча боғ оралаб қолди. Чорвадор қишдан отарини беталофат олиб чиққанига шукр қилиб, қўй-қўзичоқларини кўм-кўк майсалар билан қопланган яйловларга бошлади. Аллақачон, жойларда миллий байрамимиз — Наврўзи оламни катта шодиёна ва тантана билан нишонлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Айниқса, истиқлол йилларида умумхалқ байрамларимиз арафасида юртимизни янада обод ва файзли қилиш эзгу одатга айланганини, азалий қадриятлар янада сайқаллашаётгани, кўнгилга ҳузур бахш этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 мартдаги фармойишга кўра, март-апрель ойларида мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ҳамда 14-15 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади. Табиийки, ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш, аввало, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш, қишлоқ ва шаҳарлардаги маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар-жойларини ободонлаштиришга, республикадаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилашга хизмат қилади. Энг муҳими, хайр-саховат, меҳр-оқибат, саранжом-саришталик каби эзгу фазилатлар айнан шу кунларда такроран амалий ифодасини топади.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотларга кўра, режа асосида тадбирда 16 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этади. Улар томонидан 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. 24 минг километр узунликдаги ариқ ва зовур тозаланади.

Ҳашар кунларида дарахт ва гул кўчатлари экиш ишларига алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Шу боис, мутахассислар томонидан жорий кўкаламзорлаштириш ойлигида ҳудуднинг ер ва иқлим хусусиятидан келиб чиқиб, кўчат экиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, туя, можевейник, япон софораси, тут каби дарахт кўчатларини экиш мақсадга мувофиқдир. Айнан ҳашарчилар томонидан шу мезондан келиб чиқиб, тадбир давомида жойларда 10 миллион туп манзарали, 4 миллион туп мевали ҳамда 10 миллиондан зиёд гул кўчатлари экилиши режалаштирилган.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Саломатмисиз, маҳалладош?

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ва тажрибали шифокорларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари самарали бўлаётир

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Истиқлол шарофати билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, уларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари бинолари бунёд этилди.

Уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида амалга оширилган ишлар ҳам ўз самарасини бераётир. Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари билан фуқаролар йиғинлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик аҳоли тиббий маданиятининг ўсишида муҳим омил бўлмоқда.

Қибрай туманидаги "Гулистон" қишлоқ врачлик пункти ана шундай самарали фаолият олиб бораётган тиббиёт масканларидан. Мазкур ҚВПнинг биноси 2007 йилда замон талабларига мос равишда қайта таъмирланди. Японияннинг "JICA" ташкилоти гранти асосида энг замонавий тиббий ускуналар, қаттиқ жиҳоз ва лаборатория мосламалари билан тўлиқ таъминланди. Авваллари мураккаб муолажалар туман марказий шифохонасида амалга оширилган бўлса, эндиликда аксарият тиббий муолажа ва амалиётлар шу ернинг ўзида олиб бориляпти.

Бугунги кунда ҚВП асосан иккита, яъни "Гулистон" ва "Гулистон-1" маҳаллаларида истиқомат қилаётган 8840 нафар аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Масканда 6 нафар умумамалиёт шифокори, 16 нафар ўрта тиббий ва 3 нафар кичик тиббий ходим фаолият юритади.

НИГОҲ > [3]

Шукрона

Яхшилар кўп экан дунёда...

Мен қалби орзуларга тўла, шу билан бирга, тақдирнинг бешафқат синовларига бардош бериб келаётган оддий қишлоқ фарзандиман. Ота-онамни эслай олмайман. Ақлимни танибманки, муштипар бувим бошим узра парвона.

Ҳамқишлоқларимнинг саховат ва меҳр-оқибатидан бошим осмонга етади. Улар бизни ҳеч вақт ёлғизлатиб қўйишмайди. Ўқишга киришимда ҳам уларнинг кўмаги асқотди. Ҳозир Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида таҳсил оляпман. Насиб этса радиотелевизорни таъмирловчи уста бўлиб, халқимга беминнат хизмат қилиш ниятидаман.

Коллежимизда биз ёшлар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган. Замонавий ўқув хоналари, энг сўнгги русумдаги компьютерлар, бошқа ўқув жиҳозлари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Бизга ўз касбининг чин маънода усталари, меҳридарё устозларимиз билим беришмоқда.

Коллежда ўқувчиларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Стипендия ва нафақаларимизни вақтида олиб турибмиз. Ўқишда, жамоат ишларида фаол қатнашган ўқувчилар қўшимча тарзда моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Хуллас, ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ.

Мен Ўзбекистондай жаннатмонанд юрт фарзанди эканлигимдан, меҳр-оқибатли, хайр-саховатли инсонлар оғушида камол топаётганимдан фахрланаман. Истагим, дунёда яхши инсонлар кўпаяверсин, одамийлик ўлмасин.

Асрорбек АСҚАРОВ
Фарғона тумани,
Чекшўра қишлоғи.

Ҳаёт ва қонун муштарак

Пойтахтимизда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари, шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов, Тошкент Давлат юридик институти ректори, сенатор М.Рустамбоев ва бошқалар Ўзбекистон демократик ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаганлигини, Президентимиз раҳномолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани ва улар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бугунга келиб, мамлакатимизда икки палатали парламент самарали фаолият кўрсатмоқда. Миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик ислоҳотлар талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда. Шу билан бирга, кучли фуқаролик жамияти ва унинг институтларини шакллантириш изчил давом эттирилмоқда. Эътиборлиси, мазкур институтлар мамлакатимиз олдида турган муаммоларни ечишда ҳам фаол иштирок этаётир.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЛАЛМИКОРДА ЯНГИ РЕЖАЛАР БИСЁР

Лалмикор — Зарбдор туманидаги энг йирик қишлоқлардан. 19 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ушбу қишлоқ таркибида 4 та маҳалла мавжуд.

Ҳудудида 110 гектар атрофида боғ-роғлари, истироҳат боғи, "Ёшлар маркази", иккита сув ҳавзаси, 4 та спорт майдончаси, 22 та савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 13 та кичик корхона бўлган қишлоқнинг келгусидаги режалари бисёр. Лалмикорликлар қишлоғини вилоятдаги энг намунали қишлоқлар қаторида кўришни хоҳлайди.

— Мазкур йўналиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқдик. Жорий йилда хусусий сектор ҳисобидан уй-жойлар қурилишига жиддий эътибор қаратамиз. Шу мақсадда ўтган йили 46 та оилага имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 1,5 баробарга ортади. Ёшлар йилида 104 та кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқатилган эди. 2009 йил охиригача кам таъминланган оилаларнинг ҳаммаси сигирли бўлади. Наврўз умумхалқ байрами арафасида мурувватталаб, ногирон ва ёлғиз кексалар учун алоҳида дастурхон тузалади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сувон Йўлдошев.

Дарвоқе, бугунги кунда ҳудуддаги учта умумтаълим мактаби ва битта лицейда 4 минг нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мавжуд ўқув даргоҳлари замонавий ўқув жиҳозлари, керакли асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

ҚИШЛОҒИМИЗНИ АҲИЛ ОИЛАГА ҚИЁСЛАЙМАН

— дейди "Остона" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нураддин Султонов

Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Ҳар тонг хонадонимиз остонасини дилимизда эзгу орзу-умидлар билан ҳатлаб чиқамиз. Ҳовлимизга қадам ранжида қилган келинчак шаънига «ёр-ёр» айтамиз: "Остонаси тиллодан, Уй сеники ёр-ёр...". Хуллас, Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида бўлганимизда кўнглимиздан шундай некбин ўйлар кечди.

Қишлоқ кўчалари, ҳовлиларидаги озодалик, орасталик, қишлоқ аҳлининг бир-бирига бўлган муомаласи самимийлиги, дўстона муносабати диққатимизни тортди.

— Остонани озода, покиза тутишимиз керак-да, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нураддин Султонов. — Покиза хонадонга ҳамиша Яратганнинг нури ёғилиб турар экан. Атроф обод бўлса, кўнгил ҳам обод.

Оқсоқолнинг пурмаъно сўзлари, ҳар бир фикрини ҳаётий далилларга қиёслаб ифодалашидан атроф-муҳитга, одамлар тақдирига эътибори зиёда, синчков зиёли эканини илғаб олиш қийин эмас. Нураддин Султонов халқ таълими ва маданият соҳаларида хизмат қилди, фермерликда ўзини синаб кўриб, манзарали боғ яратди. Ишига садоқати, ҳамкасбларига ҳурмати, одамларга ғамхўрлиги билан эл ораси-да иззат-обрў топди.

— Мен шу қишлоқ фарзандиман, — дейди у фахрланиб. — Унинг ҳар қарич ери, ҳар бир кишиси менга бармоқларимдай таниш, азиз. Ҳудудимиздаги 1437 та хонадонда ўн бир минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Мен қишлоғимизни аҳил оилага қиёслайман. Бу оилада ўзаро ҳурмат, тартиб-интизом барқарор, унинг ҳар бир аъзоси ўз бурчига масъул, ўзаро меҳр-оқибатли. Ҳаётимизнинг тинч-осойишталиги, турмушимизнинг фаровонлиги шундан.

Жорий йилнинг юртимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номлангани остоналикларга фахр, қувонч, айни пайтда, масъулият бағишлагани тайин. Қишлоқда ишбилармону тадбиркорлар кўп. Жумладан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Жуманазар Рўзиматов аҳоли дастурхонини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўкин қилиш билан бирга, яқинда тўй-маросимларни ўтказишга мўлжалланган ресторан қуришга киришди. Султонбой Маҳмудов, Одамбой Давлатов, Раҳимбой Исмоилов, Каримбой Матназаров сингари саховатпеша инсонлар ва маҳалла аҳли ҳомийлигида кам таъминланган оилаларнинг тўйлари ўтказиб бериляпти.

НИГОҲ > [3]

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Хайру саховат, меҳру мурувват

азалдан маҳалла аҳли ҳаётининг муҳим мезони ва инсоний бурчига айланган

Кўплаб илмий-тарихий манбаларда юртимизда қадим замонларда ҳам маҳаллалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур марказлашган ягона давлат бошқарувини барпо этган замонда ҳам маҳаллаларда, яъни ҳудудларда жамоа оқсоқоли сайланган ва унга катта эътибор ҳамда ишонч билдирилган.

«Темур тузуклари»да қайд этилишича, жамоа оқсоқолларига, яъни кадхудоларга катта ваколатлар берилган: «Кадхудолар деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчиларнинг кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз — кўрларга нафақа белгиласинлар».

Тузукларда яна шундай жумлалар бор: «Деҳқонлар ва раият қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин».

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам маҳалла фаоллари шу каби вазифаларни бажараётганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда пойтахтимиз маҳаллалари тарихига қисқача тўхталиб ўтсак. Ўтмишда шаҳар тўрт даҳадан иборат бўлиб, Кўкчада 57 та, Себзорда 78 та, Шайхонтоҳурда 70 та, Бешёғочда 76 та маҳалла бўлган. Улар шу ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳунаридан келиб чиқиб, шунингдек, жойлар, йирик иншоотлар номи билан аталган. Дегрезлик, Ўқчи, Заргарлик, Пичоқчилик, Чоштепа, Гуруч ариқ, Баланд масжид, Хотин кўприк, Чорсу, Лабзак, Себзор, Хастимом, Ғишткўприк каби маҳалла номлари бунга мисол. Бундан ташқари, бир миллат вакиллари нисбатан кўпроқ яшайдиган маҳаллалар ҳам бўлган. Масалан, "Қашқар" маҳалласи аҳолиси орасида бошқа миллатларга нисбатан уйғурлар кўпчиликни ташкил қилган. Бу маҳаллаларнинг деярли барчаси ҳозир ҳам бор ва аксариятининг эски номлари сақланиб қолган.

Тарихимизнинг хонлар ҳукмронлик қилган даврларига назар ташлайдиган бўлсак, ўша пайтда маҳалла бошқарувнинг каттагина ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлган бошланғич бўғини ҳисобланган. Унга халқ томонидан сайланган обрўэътиборли киши — элликбоши, йирик маҳаллаларга эса — амин бошчилик қилган.

Шаҳарлардаги маҳаллалар бир неча гузар ё кўчалардан ташкил топган. Қишлоқлар эса, икки ёки учта маҳаллага бўлиниб, юқори маҳалла, қуйи маҳалла ва ўрта маҳалла тарзида номланган. Маҳалла маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли тарзида фаолият юритган. У жамоатчилик асосида бошқарилиб, бошқарув ўз тартиб-қоидаларига эга бўлган. Солиқ йиғиш, маънавий-маърифий ва бошқа тадбирларни ўтказиш маҳалла оқсоқоли зиммасига юкланган. Оилавий низоларни ҳам оқсоқол уламолар кўмагида ҳал этган. Амин ҳазинадан маош олган, унинг иш вақти чегараланмаган. Маҳалла маҳкамасида мирза (котиб), қоровулбоши, мироб хизмат қилган. Маҳалла аҳамиятига молик масалалар ҳар бир кўчадан сайланган ўнбошилар билан бамаслаҳат ҳал этилган.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Тадбир

Тошкент шаҳри

Байрам шукуҳи

Шайхонтоҳур туманидаги "Хадра" маҳалласида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам дастурхони ёзилди. Тадбирга, асосан, ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган оила бекалари, ёлғиз ва кекса онахонлар, ногирон аёллар таклиф этилди.

— Байрам тадбирида иштирок этган хотин-қизларимизнинг юз-кўзидаги хурсандчиликни кўриб, биз ҳам ўзимизни бахтиёр ҳис этдик, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Мусаева. — Кечани ташкил этишда беминнат ёрдам бергани учун маҳалламиздаги саховатпеша ҳомийларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Айтиш жоизки, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиш маҳалла аҳлини янада жипслаштиришга, фуқароларда ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини кучайтиришга имкон беради.

— Наврўз байрами арафасида ҳам ҳомийларимиз кўмагига таяниб ажойиб кеча ташкил этмоқчимиз. Унда Наврўз таомларини пиширишга ва халқ ўйинларини ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратиш ниятимиз бор. Маҳалладошларимизнинг кайфияти кўтаринки бўлса, ишонч билан айтиш мумкинки, йил давомида амалга оширадиган ишларимиз ҳам кутилган самарани беради, — дейди маҳалла оқсоқоли Асқар Самигов.

Кечада бир қатор санъат усталари, жумладан, эл севган артистлар Тўти Юсупова, Теша Мўминовларнинг иштироки йиғилганларга қувонч бағишлади. Хушовоз хонандалар томонидан ижро этилган шўх қуй-қўшиқлар, аёлларни мадҳ этиб ўқилган шеърлар тадбирга ўзгача файз киритди.

Мухбиримиз

Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Ташаббус

Самарқанд вилояти

Қишлоқ тараққиётига — нуронийлар маънавияти

мазкур шиор остида бошланган жамоатчилик ҳаракати Самарқанд вилоятида умумхалқ тадбирига айланиб кетди

Мамлакатимизда 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштириш, қишлоқда саноатни ривожлантириш, маданий, коммунал хизматларни яхшилаш, шу тариқа, аҳоли фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайтиришдир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга ошириладиган улкан ишларга ҳисса қўшишни истаётган жамоалар, фаол фуқаролар аллақачон амалий ишларни бошлаб юборишди. Республика «Нуроний» жамғармаси ҳамда Республика маънавият тарғиботи маркази Самарқанд вилояти бўлимлари ана шундай ташкилотлардан. Улар "Қишлоқ тараққиётига — нуроний маънавияти" ташаббуси билан чиқдилар. Ушбу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди ва умумхалқ ҳаракатига айланиб улгурди.

Мухбиримиз «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси Х.НОРМУРОДОВдан мазкур ташаббуснинг мазмун-моҳияти ва ундан кўзланган мақсад ҳақида сўзлаб беришини сўради.

—Бугунги мураккаб даврда қишлоқларимиз аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини янада кенгайтириш, онгини миллий қадриятларга садоқат руҳида шакллантириш, уларни юртга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Кекса авлоднинг ибратли ҳаёт йўли, Ватан ҳимояси ва меҳнат жабҳасидаги жасорати, фидойилиги ёшларга ўзига хос мактаб вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Биз қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳуқуқ ва бурч мавзусида, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боряпмиз. Эндиликда одам савдоси деган муаммо юзага чиқди. Унинг домига илиниб қолаётганлар орасида қишлоқ ёшлари ҳам учрайди. Бу кекса авлод вакилларини, маънавият ходимларини ташвишга солади, албатта.

Бугун ҳар бир нуроний, маънавият ходими, аввало, ўзи яшаб турган оилада, кўчада, маҳаллада ибрат кўрсатиши лозим. Уларнинг ёшларга халқимизга хос юртпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстликдек фазилатлари ҳақида сўзлаб бериши энг таъсирчан сабоқдир. Миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз, байрамларимиз, унутилиб бораётган удумларимиз, ўйинларимиз билан ёшларни кўпроқ таништиришнинг савобига нима етсин. Ёш оилаларни кўни-кўшни, маҳалла-кўй билан яхши муносабатда бўлишга ўргатиш, яшаб турган хонадони, маҳалласи тозалиги, ободлиги тўғрисида қайғурадиган инсон қилиб тарбиялашнинг ғоят зарурлигини айтмайсизми. Ота-она, қариндош-уруғ қадрини ўрнига қўйиш, ўтганлар хотирасини қадрлаш, қабристонларни обод этишда ҳам нуронийларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқларда асосий ишлар мавсумий. Қиш фаслида ёшлар бўш қолишади. Бу пайтда улар ҳордиқ чиқариши, китоб ўқиши, спорт билан шуғулланиши керак. Шунга имконият яратилса, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олди олинади. Иродаси суст айрим ёшларимиз турли экстремистик оқимлар, ақидапарастлар таъсирига тушиб қолмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, «Қишлоқ тараққиётига — нуроний маънавияти» шиори остида жамоатчилик ҳаракатини бошладик ва қўшма қарор қабул қилдик. Амалий ишларни белгиланган режа асосида олиб боряпмиз.

Тадбирнинг жамоатчилик ҳаракати, деб аталишининг боиси шундаки, аввало, мазкур тадбир кенг доирада, яъни барча маҳаллаларда, қишлоқларда, ҳатто оилаларда ҳам ўтказилади. Уни ташкил этувчи гуруҳлар ҳар бир туманда, ҳар бир қишлоқда таянчга эга. Бу хайрли ҳаракатга қўшилаётганлар сафи кенгайиб бораётгани бизни қувонтиради, албатта. Жойлардаги ходимларимиз ҳаракатни ташкил этишга бош-қош бўлишяпти.

Гуруҳларга бой ҳаётий тажрибага эга нуронийлар, таниқли кишилар, фан ва жамоат арбоблари, маданият ходимлари, санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилмоқда. Учрашувлар қизиқарли, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилади. Бундай суҳбат ва мулоқотлар маҳалла чойхоналарида, ғаллазору пахтазорларда, дала шийпонларида, боғбону чўпонлар ҳузурида ҳам ўтказилади.

Бу ишда бизга Президентимиз асарлари, хусусан, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби дастуриламал бўлмоқда. Гуруҳларга жалб этилаётган нуронийларнинг, турли соҳа эгаларининг, маънавиятимиз дарғаларининг бой тажрибалари эса биз учун қанот бўлаётир.

Ў.ҚУРБОНОВ ёзиб олди.

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

[1] >

Юқорида қайд этилган фармойишда белгиланганидек, ҳашар муносабати билан вазирликлар, идоралар ҳамда барча корхона, ташкилот муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим, бўлинмалари бошқарувларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилади. Муҳими, хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга, кўп болали кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга, хусусан, қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, қишлоқ маҳаллаларининг моддий-техника базасини яхшилашга, шунингдек, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга йўналтирилади.

Эътиборлиси, ҳашар кунлари барча мавзе ва маҳаллаларда гулзорлар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, шунингдек, қурилиш ҳамда маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш, уларни белгиланган махсус жойларга ташиш ишлари бажарилиши эвазига атроф-муҳит мусаффолиги, айни чоғда, ўзимиз истиқомат қилаётган ҳудуднинг янада чирой очишига эришилади. Бугина эмас, тадбир давомида қўни-қўшни, маҳалла-кўй ҳамжиҳатлигида хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар тартибга келтирилади. Албатта, ҳашар кунлари мурувватталаб инсонлар — кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жойларини яхшилаш каби юмушларнинг амалга оширилиши ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватан ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир янгилик шундаки, Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини намунали ташкил этиб, яхши натижаларга эришишда ибрат кўрсатган шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилар томонидан рағбатлантирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, халқимиз ота-боболаримиздан қолган эзгу анъаналаридан бири — умумхалқ ҳашарига эзгу ният билан чоғланиб турибди. Бу хайрли ишда барчамизнинг фаол иштирокимиз асл фуқаролик бурчимиздир.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Хайру саховат, меҳру мурувват

[1] >

Йиғилган солиқлардан фақат «жузъя» (жон солиғи) маҳалла тасарруфида қолган. Бу маблағ маҳалла ободончилиги ва маданий-маърифий эҳтиёжлар учун сарфланган. ХХ аснинг бошида нашр этилган «Ойина» журналида маҳалланинг таълим-тарбия соҳасига кўрсатган ҳомийлиги ҳақида шундай дейилган: «Самарқанд атрофидаги мактаб муаллимларига чироғ, ўтун ва таом маҳалла тарафидан берилиб, яна муаллимнинг салоҳиятига қараб 30 сўмдан 15 сўмгача бир ой вазифа берилур».

Хайрия тадбирлари маҳалла масжиди билан ҳамкорликда олиб борилган. Бундай ишлар учун маблағлар, асосан, маҳалла бойлари, ўзига тўқ ишбилармонлардан йиғилган. Амин ва масжид мутаваллиси маҳалладаги етим-есирлар, бева-бечоралар, ишсизлар, мажруҳлар ҳамда серфарзанд оилаларга ҳайитлик — пул, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотларни тарқатганлар.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг маҳалланинг ўрни ва нуфузи ортди. Унинг имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», деб белгиланган. Бундан ташқари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари тўла белгилаб берилган. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда маҳаллий бошқарувнинг янги демократик тизими қарор топишига, аниқроғи, маҳалланинг ота-боболаримиз ақлу идроки билан яратилган асрий қадриятлар сифатида қайта тикланишига йўл очди.

1999 йилнинг 14 апрелида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ XIV сессиясида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши маҳалланинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлади. Мамлакатимизнинг барча кичик шаҳарларида, қишлоқ ва овулларда ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилди. Уларнинг ваколатлари шаҳар маҳаллаларига нисбатан кенгайтирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли тинчлигини ва осойишталигини сақлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ёш авлодни тарбиялаш, кўп болали оилалар, ногиронлар, кексалар, умуман, ёрдамга муҳтожларга имкон қадар мададкор бўлиш йўлида беминнат хизмат қилаётир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиши учун сафарбарликка даъват этамиз".

Дарҳақиқат, удумларимиз ва анъаналаримизни, миллий қадриятларимизни қайта тиклашда, кўп миллатли республикамизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Албатта, бу каби муҳим масалаларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилиги, қолаверса, етакчилиги муҳим роль ўйнайди.

Улар бугунги ўтиш даврида жамият манфаатларига хизмат қиладиган кенг кўламли ишларни бажаришга масъулдирлар. Шуни унутмаслик керакки, маҳалла ҳар биримизнинг киндик қонимиз тўкилган, униб-ўсган, улғайган қутлуғ масканимиздир. Шундай экан, нафақат маҳалла оқсоқоли ёки фаоллари, балки шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро маҳалланинг фаровонлиги, тинчлиги, бир сўз билан айтганда, унинг равнақи йўлида ўзининг инсоний бурчини унутмаслиги шарт. Зеро, маҳалланинг тинчлиги, фаровонлиги юртимизнинг тинчлиги, фаровонлигидир.

Ҳаким АЗИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

Ҳаёт ва қонун муштарак

[1] >

Тошкент Давлат юридик институти доценти Г.Маликованинг «Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» мавзусидаги маърузаси давра суҳбати иштирокчилари эътиборини жалб этди.

Тадқиқотчи «Фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига тўхталиб: «Фуқаролар йиғини раиси ваколатлари қайси ҳолатларда муддатидан илгари тугатилиши хусусида ҳамда оқсоқол лавозими ваколат муддати тугашига бир йил ёки олти ой қолганда вакант ҳисобланса, у ҳолда оқсоқол вазифасини бажарувчи тушунчасини қонун доирасида белгилашни мақсадга мувофиқ», дея ўз таклифини билдирди.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Дегрез» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Ғуломов ва бошқалар юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда жамиятимизда ҳукм сураётган қонун ижодкорлиги меъёрларидан келиб чиқиб, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига таклифлар ҳавола этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

С.ЭРГАШЕВ

"КАМОЛОТ" МАЛИКАЛАРИ БАҲСИ

Мана, уч йилдирки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш ва стол теннисини янада ривожлантириш мақсадида ташкиллаштирилган "Камолот маликаси" мусобақаси ўтказиб келинади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий учинчи мусобақа Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Мусобақанинг вилоят босқичларида мактаб, коллеж ва лицейларда таълим олаётган 800 нафарга яқин ёш қизлар иштирок этди. Улар орасидан саралаб олинган 56 нафар теннисчи пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилган республика финал босқичида ўзаро куч синашди. Мусобақаларни мазкур масканда ўтказишдан кўзланган мақсад Президентимиз ташаббуси билан халқаро андозалар даражасида бунёд этилаётган спорт иншоотлари ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан иштирокчиларни таништиришдан иборат.

"Камолот маликаси" иштирокчилари мусобақа бошланишидан олдин Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Уч кун давом этган муросасиз беллашувлар якунига кўра, Чуст туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Дилафрўз Жумаева 15-16 ёшли иштирокчилар орасида "Камолот маликаси" мусобақасининг финал босқичи ғолиби бўлди. 17-18 ёшли қизлар орасида эса бухоролик Феруза Нарзуллаева биринчи ўринни эгаллади.

— Бухоро шаҳридаги биринчи болалар ва ўсмирлар мактабида стол тенниси бўйича машғулотларда қатнашаман, — дейди Феруза. — Ушбу ютуғимда менга стол тенниси сирларини ўргатаётган устозларимнинг хизмати катта. Келажакда биз ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, йирик халқаро турнирларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Мухбиримиз

Тошкент шаҳри

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомаркез"да "UzBuild-2009" халқаро кўргазмаси иш бошлади. 10-13 март кунлари бўлиб ўтадиган ушбу тадбирда мамлакатимиз иқлим шароитида қўллашга қулай бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ускуналари, пардозлаш ва қоплама жиҳозлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, қоришмалар ҳамда замонавий технологиялар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада жаҳоннинг 16 мамлакатидан 100 дан ортиқ компания иштирок этмоқда. Уларнинг 45 фоизини Ўзбекистон компаниялари ташкил этса, қолган 55 фоизи Австрия, Германия, Белорусь, Исроил, Эрон, Италия, Хитой Туркия, Польша, Россия ва бошқа давлатларнинг ишлаб чиқариш субъектларидир.

Шу куни "Ўзэкспомаркез"нинг яна бир павильонида "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн — MebelExpo Uzbekiston 2009" 6-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Мухбиримиз

Маҳалладошларига иснод келтирганлар

2008 йил 11 январь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси ниҳоясига етди. Ҳукм ўқилди: саккиз нафар судланувчининг ҳар бири беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Судланувчилар — ёши 27 дан 44 гача бўлган эркаклар, деярли барчаси оилали, икки-учтадан вояга етмаган фарзандлари бор. Агар бу ўринда халқона таъбир жоиз бўлса, уларнинг ҳар бири еганда таомга, ҳалол ишлаганда меҳнатга тўймайдиган, қирчиллама ёшдаги кишилар. Афсуски, кейинги етти-саккиз йил мобайнида уларнинг юмуши ҳалол меҳнат эмас, балки ўз юрти, юртдошлари тинчлигига раҳна солишга уриниш, бузғунчиликни, диний экстремистик қарашларни тарғиб этишдан иборат бўлган.

Судланиб, жиноий ишларига муносиб жазога тортилганлар — пойтахтнинг Юнусобод туманида истиқомат қилаётган фуқаролар М.Миркаримов номидаги кўча 44-уйда яшовчи Фазлиддин Музаффаров, Ҳурматли кўчасидаги 10- 18-, 28-уйларда яшовчи Даврон Норматов, Ҳожиакбар Ёрҳўжаев ва Фарҳод Мўминовлар, Халқобод кўчаси 18-уйда яшовчи Баҳром Зуфаров, Қозоғистон кўчаси 3-уйда яшовчи Қобил Холиқов, Шуҳрат кўчаси 13-уйда яшовчи Нодир Маҳмудов, Мазрук кўчаси 18-уйда яшовчи Равшан Файзиевларнинг жиноят йўлига кириши 1998-1999 йиллардан бошланади. Улар бир-биридан унча узоқ бўлмаган кўчаларда яшашган. Шунингдек, уларнинг барчаси пойтахтнинг Юнусобод тумани Бодомзор даҳасида жойлашган Мирза Юсуф номли масжидга жума намозини адо этгани келишарди. Айни шу пайтда улар Бахтиёр Шукруллаев билан танишиб қолиб, унинг тузоғига тушишган. "Тузоғига" дейишимизнинг боиси Б.Шукруллаев Ўзбекистонда ноқонуний хуфёна фаолият юритувчи "Ваҳҳобий" диний-экстремистик оқимининг ташкилий тизими ҳисобланган "Ўзбекистон Ислом ҳаракати" ташкилотига алоқадор шахс бўлиб, кўп йиллар мобайнида кўча-кўйдаги одамлар ёки масжидга ибодатга келувчилар орасидан иродаси сустроқларини экстремистик руҳдаги жамоатга жалб этиш билан машғул бўлган.

Дастлаб Б.Шукруллаев уларда ўзи ҳақида ислом дини билимдони, иймон-эътиқодли киши сифатида таассурот қолдиришга уринган, аста-секин гап орасида уларнинг кўнглига бузғунчилик йўлига бошловчи даъватларни ҳам сўзлаб турган. Кун келиб, у эккан ёвузлик уруғи униб чиқди, саккиз чоғли киши унинг даъвати билан қонуний тизим, тинч-тотув яшаётган халқимизга қарши бузғунчилик йўлида бирикдилар. Энди бу кимсалар ҳафтада бир маротаба "гап"га йиғилишар, бу йиғинларда Б.Шукруллаев "Аллоҳнинг ҳақлари", "Ҳижоб нима учун керак?", "Жамоатга бирлашиш вожиб", "Жиҳод ва ҳаёт", "Ҳақ учун курашмоқ керак", "Жаннат ва дўзах", "Омонат", "Биродарнинг ҳақлари", "Аллоҳни яккалаш" каби бутун дунёда, ҳатто ислом мамлакатларида ҳам тақиқланган, шунингдек, ўтказилган суд-адабиётшунослик экспертизаси хулосасига кўра, тарқатилишига рухсат берилмаган диний-экстремистик руҳдаги ўнлаб адабиётлар воситасида ўз ғаламис ниятини амалга оширар, яъни бўлажак "ваҳҳобий"ларни тарбиялар эди. Бу қабиҳ ишда Б.Шукруллаевнинг Обид Назаров (Обид қори), Руҳиддин Фахриддинов, Абдували Мирзаев (Абдували қори), Рафиқ Набиев (лақаби Аҳмад) каби раҳнамолари, Ёрқин Ҳожимуродов (лақаби Абдулло кўке), Шоакмал Носиров (лақаби Эркин), Дилмурод Келдиев (лақаби Боксёр), Рустам (лақаби Дода) каби бир нечта жиноий ҳамтоқлари ҳам бўлган. Б.Шукруллаев бу экстремистик гуруҳни номлашда ҳам ўзига хос йўл тутди. Гуруҳга бирикканларнинг бир ҳудудда яшашини ҳисобга олиб "Маҳалладошлар" жамоати деб номлайди ва ўзига ўзи "жамоат амири" унвонини таъсис этиб ҳам олади. Қонун томонидан жиноий ҳаракатлар деб баҳоланган бу ғоялар тарғиботи уларнинг уйларида навбатма-навбат мунтазам тарзда олиб борилган. Тез орада Б.Шукруллаев "Маҳалламда Абдурауф деган қори йигит бор, унинг илми меникидан кучлироқ, истасанглар, уни ҳам таклиф этамиз", дея, ўз фаолиятини кучайтириш мақсадида гуруҳга ўзидан ҳам ашаддийроқ ақидапарастни жалб этади. Маълумки, ўша пайтда эл орасида Абдували қори ва Обид қори дея ном чиқарган кимсалар Андижон ва Тошкент шаҳрида расман имом-хатиблик вазифасини бажарган пайтда, ўз зиммасидаги масъулиятни суиистеъмол қилган, хусусан, Фарғона водийси ва пойтахтда анъанавий ислом учун ёт бўлган ғоя ҳамда тушунчалар, диндорлар орасида ислом дини ақидаларига турлича ёндашувларни тарғиб этиш оқибати ўлароқ, турли ихтилофларни юзага келтириши мумкин бўлган мавзуларини ёзилган CD дисклар, аудиокассеталар, турли буклет ва брошюра нашрларининг тарқатилишига бош-қош бўлган эдилар. "Маҳалладошлар" жамоатида ҳам 2007 йилгача, яъни Б.Шукруллаев қамоққа олингунга қадар ана шулар воситасида "ваҳҳобий" оқими бўйича белгиланган тартибда махфий дарслар давом этиб келди.

1999 йил 16 февралда пойтахтда экстремистлар томонидан террористик қўпорувчилик амалга оширилди. Бегуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган, миллионлаб кишилар юрагига хавотир солган ушбу қўпорувчиликдан сўнг Б.Шукруллаев таклифи билан ҳуфия жамоатдаги таҳсиллар вақтинча тўхататиб қўйилди. Бу ўринда бузғунчи ақидапарастнинг бундай йўл тутиши бежизга эмасди, зотан пойтахтдаги портлашларда айнан шундай йўлига бошлаган жиноятчилар ўз ёвуз мақсадлари йўлида катта моддий имкониятлар доирасида иш кўришган. Масалан, улар метронинг Беруний номидаги бекатида энг замонавий услубда қурилган ҳашаматли, бошқа турар-жойларга нисбатан анча қиммат бўлган уйдан хуфиёна йиғинлар ва учрашувлар учун хонадон сотиб олишган. Бундан ташқари, ақидапараст жамоат аъзолари учун пойтахтнинг турли мавзеларида хуфия учрашувлар кечадиган хонадонлар харид қилинган бўлиб, бу хонадонлар уларнинг лаҳжасида "ҳужрахона" деб аталган. Хусусан, ана шу "ҳужрахона"лардан бирида ташкилотнинг "олий мақом" шахслари, яъни Руҳиддин Фахруддинов (ташкилотдаги мақоми амир), Абдурауф қори, Б.Шукруллаев кабилар йиғилишиб, замонавий русумдаги ноутбук-йиғма компьютерда хорижлик "ваҳҳобийлар" томонидан махсус йўлланган экстремистик руҳдаги кинофильмларни томоша қилиб туришган.

Экстремистик ташкилотда "муҳим" шахслардан бири ҳисобланган Рафиқ Набиев (лақаби Аҳмад) анча вақт пойтахтнинг Чорсу бозорида савдо-сотиқ билан шуғулланган. Рустам Шамсутдиновнинг гувоҳлик беришича, у Отчопар буюм бозоридаги энг қулай ва энг қиммат расталардан бирини сотиб олиб, эндигина олийғоҳни тугаллаб, ўз мутахассислиги бўйича иш бошлаш арафасида турган Рустамга беради ва Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридан кийим-кечак келтириб сотиши учун унинг қўлига яна 1000 АҚШ долларини тутқазади. Кейинчалик Рустам савдо-сотиқ ишларини ўлда-жўлда қолдириб, дастмоясиз қолганда Р.Набиев унга яна шунча маблағ беради ва "Бир кунда битта буюм сотилса ҳам савдо растаси бўш турмасин. Ишларинг юришсин, дейман-да, ука!", қабилида насиҳат ҳам қилади. Тантиликни қаранг-а! Ваҳоланки, бу иккисининг ўртасида на қариндошлик, на дўст-биродарлик ришталари бор эди. Аслида Р.Набиевни Рустамнинг моддий манфаати, оилавий аҳволи, умуман, тақдири мутлақо қизиқтирмас эди. Унинг учун муҳими — бозордаги айнан ўша растада ғўёки савдо-сотиқ баҳонасида оғзи маҳкам бир кишининг доимо ўтириши керак эди. Чунки, бу раста ва Рустам ақидапарастлар тўдаси учун "почта" хизматини ўташи лозим эди. Рустам анча пайттача ақидапарастликни тарғиб қилувчи, "ваҳҳобийлик" йўналашидаги CD дисклар, буклет ва брошюралар жойланган елим халталарни, катта миқдордаги пул тахламларини "ҳотамтой ҳомий"сига етказиб туради. Йигитнинг айтишича, бу пул ва елим халталарни келтирадиган икки-уч киши ўзларини танитмаган, Рустам уларга шартли равишда "Содиқ", "Жавоҳир", "Дур" деб исм қўйиб олган экан. Кейинчалик Р.Н. пойтахтнинг «Гулистон» мавзесидаги кўпқаватли уйлардан 3 хонали хонадонни ҳам Рустамнинг номига расмийлаштириб сотиб олади. У ғўёки бир ўқ билан икки нишонга ургандек эди: биринчидан, Рустамнинг хизматга "шай"лиги янада ортади, иккинчидан, ўзи оиласи билан шу хонадонда истиқомат қилиб туриб, яшаш манзилини сир тутади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: диний экстремистларнинг моддий жиҳатдан қисинмаслиги, тўғри йўлдан адашган одамларга турли даражадаги "ҳомийлик"лар қилиб, уларнинг янада кўзини кўр, қулоғи орқали ўз режаларидан кимларнидир мунтазам равишда бохабар этиб турганлари ҳам тасдиқлайди.

Хуллас, бу дили қораю юзи қоралар қанчалик писиб юришмасин, барибир пайи қирқилди. Уларнинг ҳар бири бадкирдор ва ёвуз қилмишлари учун, она Ватанимиз, ватандошларимизга нисбатан қилган қора ният ва жиноятлари учун тегишли жазосини олди.

Бу воқеа-ҳодисаларда кишини афсуслантирадигани шуки, диний экстремизм деган дунё миқёсидаги бало-қазога алоқадор бўлган, унга хизмат қилган бу кимсаларнинг кўпчилиги ҳаётда оқ-қорани фарқлаб, ҳақиқий имон-эътиқод ва тоат-ибодатдан диний ақидапарастликни фарқлай оладиган даражада эсини таниган кишилар эди. Ўз онг-шуурини, руҳий-жисмоний куч-қувватини келажакда фарзандлари униб-ўсадиган Ватан равнақи учун сарфлаши уларнинг ҳар бири учун олдинги қилмишларию, кейинги пушаймонларидан кўра минг чандон афзалроқ эди-ку! Бу кимсаларнинг эларо шармсор бўлгани, энг яқин кишиларини уятга қўйиб, одамларнинг тавқи лаънатига учраб турган ҳолидан тўғри хулоса чиқарсак, шу хулоса кучи билан ўзимизни ва фарзандларимизни эл-юрт, она Ватанимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилишга чоғлай олсак, инсон шаънига, иймон-эътиқоди бутун аҳли мусулмон шаънига мос иш қилган бўламиз.

А.НУКУЗИЕВ

НИГОҲ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

[1] >

— Пунктимиздаги умумамалиёт шифокорлари "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" дастури асосида ўтказилган ўн ойлик малака ошириш курсларида билим ва тажрибасини янада мустаҳкамлаб келди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Бахтиёр Шоакбаров. — Бунинг энг фойдали томони шундаки, улар бирор хонадонга борганида чақалоқлар, ўсмирлар, туғиш ёшидаги аёллар ва қарияларни ҳам бемалол тиббий кўрикдан ўтказаверишади. Яъни битта хонадонга ҳам болалар шифокори, ҳам аёллар шифокори бормасдан уларнинг ишини бир киши уддалай олади. Айтиш керакки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча режаларни ишлаб чиқканмиз. Унда қишлоқ аҳлининг тиббий маданиятини оширишга, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, оналар саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.

> Овқатланаётганда ёки овқатдан кейин камида икки соат ўтмасдан туриб ичилган чой егулик таркибидаги фойдали витаминлар, хусусан, темир моддасининг ҳазм бўлишига тўсқинлик қилиб, камқонлик касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

— Йиғин билан қишлоқ врачлик пункти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик олдиндан мавжуд. Ҳозирги кунга келиб, ушбу алоқалар янада мустаҳкамланди, — дейди "Гулистон" маҳалласи оқсоқоли Ҳалил Зияев. — Бир мисол. Яқинда кам таъминланган оила аъзоларидан бири соғлиғидан шикоят қилиб, ҚВПга мурожаат этган экан. Шифокорлар унга маълум муддат даволанишни тавсия қилишибди. Табиийки, кам таъминланган оила учун дори-дармонларни харид қилиш бирмунча мушкул. Буни англаган Б.Шоакбаров бизга хабар берди. Ўзаро келишиб, пунктда йўқ бўлган дармондориларни ҳомийлар кўмагида етказиб бердик. Саъй-ҳаракатимиз натижасида бемор бутунлай соғайиб кетди.

Бугунги кунда ногирон болалар туғилишининг олдини олиш нафақат саломатлигимиз посбонлари, балки ҳар бир ота-она олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун, аввало, ўсмир қизларнинг соғлиғига беэътибор бўлмаслик, ёшлар турмуш қураётганда уларни, албатта, тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни скрининг марказларида тез-тез текшириш лозим. Бу ерда оила қураётган жуфтликнинг бирортасида салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган вируслар, юқумли касаллик асоратлари аниқланса, тўйни маълум муддатга тўхтатиб, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Маҳалланинг ҳар бир ҳудудига бириктирилган ҳамширалар замонавий тиббий асбоблар билан тўлиқ таъминлангани касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур чораларни кўриш имконини бермоқда. Шунингдек, улар аҳоли ўртасида тиббий профилактика ишларини ҳам олиб бораётгани диққатга сазовор. Фарзандларини озодаликка, интизомга ўргатиши учун ота-оналарга зарур маслаҳат ва кўрсатмалар бериб бориляпти. Кўпгина хасталиклар айнан тозаликка риоя этмаслик, пала-партиш овқатланиш ва кишиларнинг ўз соғлиғига етарлича эътибор бермаслигидан келиб чиқиши сир эмас. Бу ҳар бир хонадонда санитария-гигиена қоидалари тарғиботини ўз вақтида ва самарали олиб бориш муҳим ўрин тутишини билдиради.

— Врачлик пункти ходимлари иштирокида ҳафтанинг ҳар шанба куни аҳоли ўртасида суҳбат ва мулоқотлар ўтказиб турамиз, — дея ўз фикрини билдиради «Гулистон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилдора Валиева. — Аҳоли улар кўрсатаётган сифатли тиббий хизматдан мамнун. Ўтказилаётган профилактика ишлари натижасида аҳолининг тиббий саводхонлиги ҳам ошиб боряпти. Оддий бир ҳолат. Овқатланиш пайтида кўпчилик чой ичишни хуш кўради. Бизнинг оиламиз аъзолари ҳам шундай эди. Пункт ходимлари томонидан олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг билиб олдикки, овқатланаётганда ёки овқатдан кейин камида икки соат ўтмасдан туриб ичилган чой егулик таркибидаги фойдали витаминлар, хусусан, темир моддасининг ҳазм бўлишига тўсқинлик қилиб, камқонлик касаллигини келтириб чиқариши мумкин экан. Овқатланиш чоғида улар бизга қайнатилган сув ёки мева шарбати ичишни тавсия этишди. Ҳозир ушбу тавсияга оиламиз билан амал қиляпмиз.

Маҳаллаларда қишлоқ врачлик пункти ходимлари ташаббуси билан кундузги шифохона, уйдаги шифохона каби хизматлар ташкил этилган. Яъни шифохонада ётиб муолажа олишга имкони бўлмаган беморлар қатнаб даволаниши, қариялар ёки юришга ҳоли бўлмаганлар уйда туриб шифокорлар хизматидан фойдаланиши мумкин. Бунда ҳудудларга бириктирилган ҳамширалар хизмати катта бўляпти.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Маслаҳатчи минбари

Бухоро вилояти

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳудудида камида 500 та оила истиқомат қиладиган маҳаллаларда, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасининг ташкил этилганига салкам беш йил бўлди.

Ўтган давр мобайнида маҳаллаларда бу вазифага ҳар томонлама мос, маслаҳатчи фаолияти тўғрисидаги низомий вазифаларни бажара олишга қодир хотин-қизларни танлашга алоҳида эътибор қаратилгани, қолаверса, биз маслаҳатчиларнинг самарали фаолият юритишимиз учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилгани ютуқларимиз омили бўлди. Маҳалла идоралари зарур кўргазмали жиҳоз, бадиий ва илмий адабиёт ҳамда қўлланмалар билан таъминланди. Маслаҳатчиларнинг тажрибасини, малака ва билим саviясини ошириш мақсадида қатор ўқув-семинарлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар маслаҳатчиларнинг маҳалладаги ўрни ва нуфузини оширди. Эндиликда ишонч билан айтиш мумкин, маҳаллаларда фаолиятимизга доир етарли тажриба тўпланди.

Бугун вилоятдаги фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган маслаҳатчилар саъй-ҳаракати билан ёшлар, аёллар, оилалар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди олиняпти. Бу маслаҳатчилар қўлга киритаётган марралардан биридир. Хусусан, 2008 йилда ўтказилган "Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичида 2-ўринни эгаллаганимни ҳам тизим доирасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг меваси, деб биламан.

> Маслаҳатчи фаолияти самарасини яна бир мезон орқали баҳолаш мумкинки, у ҳам бўлса, маслаҳатчининг тўй-маърака ва бошқа оилавий тадбирларни миллий урф-одатларимизга зид бўлмаган тарзда, ихчам, камхарж қилиб ўтказишга аҳолини қанчалик даъват эта олаётгани билан белгиланади.

Фаолиятимнинг дастлабки кунлариданоқ, маҳалладаги ҳар бир оиланинг ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби, қизиқиши, машғулотини яқиндан ўрганиб, улар билан ишлашнинг энг муқобил услубларини қўллашга ҳаракат қилганим бесамар кетмади. Муҳими, маслаҳатчи ўз зукколиги, муросасозлиги, фидойилиги билан маҳалладошлари ишончини оқлаши лозим экан. Ўшанда ҳар бир бажарилган иш, гапирилган гап беҳуда кетмайди. Ҳозирда маҳалламиздаги хотин-қизларнинг деярли барча муаммоларини ҳал этишда бевосита иштирок этаётганимдан, улар ўзини қийнаётган муаммоларга ечим ясашда бизга суянаётганидан фахрланаман. Табиийки, маҳалладошлар ишончи ортгани сари зиммамиздаги масъулият юки ҳам оғирлашади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган йили маслаҳатчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фаолиятимиз иккинчи ўринга муносиб топилган бўлса-да, лекин ҳали олдинда бажаришимиз лозим бўлган ишлар ниҳоятда кўп эканини англадим. Танловда иштирок этган йиғин маслаҳатчиларининг тўплаган тажрибасидан, айрим муаммоларни бартараф этишда қўллаган иш услубидан ўрнак олишга ҳаракат қилдим.

Маслаҳатчи фаолияти самарасини яна бир мезон орқали баҳолаш мумкинки, у ҳам бўлса, маслаҳатчининг тўй-маърака ва бошқа оилавий тадбирларни миллий урф-одатларимизга зид бўлмаган тарзда, ихчам, камхарж қилиб ўтказишга аҳолини қанчалик даъват эта олаётгани билан белгиланади.

Маслаҳатчилар ишининг самарадорлигини ошириш, уларнинг иш услуби ва йўналишларини янада такомиллаштириш бугун тизим ходимлари олдида турган долзарб масалалардан. Жумладан, фаолиятга оид ўқув-семинарлари ташкил этиш, қўшимча адабиёт ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур эканини амалиёт кўрсатмоқда.

Галина ЭРГАШЕВА,
Бухоро шаҳридаги "Пиридасттир" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

ҚИШЛОҒИМИЗНИ АҲИЛ ОИЛАГА ҚИЁСЛАЙМАН

— дейди «Остона» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нураддин Султонов

[1] > Қишлоқ тадбиркорларидан Рашидбек Шоназаровнинг касби муаллим. У бўш вақтларида оиласига бош бўлиб, "Беҳзод" фермер хўжалигини ташкил этиб, қишлоқ чеккасидаги кўлда балиқ етиштиришни йўлга қўйди. Эндиликда бу ерда етиштирилаётган балиқ маҳсулоти маҳалла аҳли дастурхонини безамоқда. Кўл бўйларига экилган уч минг туп терак дарахти кўкка бўй чўзяпти. Икки-уч йилдан сўнг уларни қурилиш материали сифатида ишлатиш мумкин. "Сардорлар" маҳалласидан Шоназар Эгамов, Шавкат Қозоқов, "Хўжалар" маҳалласидан Сафо Иброҳимов, "Қоракўз" маҳалласидан Олим Ҳайдаров каби фермерлар ҳар йили дон ва пахта топшириш шартномавий режаларини ортиғи билан бажариб, қишлоқларни ободонлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

"Чакар" маҳалласида ҳам "Гулсевар оила", "Китобхон оила", "Эпли келин", "Спортчи оила" каби маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Тадбиркор Жуманиёз Отажонов вилоятда биринчилардан бўлиб асбоб-ускуналарни таъмирлаш устахонасини очди. У маҳалла гузарини кенгайтиришга бошқош бўлиб, ўз маблағи ҳисобидан тўйхона қурди.

Остоналик Ойпошша момони "ўзимизнинг Фармонбиби", дейишади. Саккиз фарзандни вояга етказган аянинг келини Санобар тадбиркор чиқди. Қишлоқ марказида "Хиромон" хусусий корхонасини очиб, маҳалладаги ўн беш нафар хотин-қизни тикувчилик, зардўзлик касбига йўналтирди.

— Қишлоғимизда тўртта боғча, тўртта мактаб, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, еттита спорт майдончаси, йигирмадан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Маҳалла гузарида бозорча очдик. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех қуриш, ички йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этиш, қишлоқ марказида хиёбон ташкил этиш ниятидамиз, — дейди Н.Султонов.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Саккиз хил маҳсулот тайёрланмоқда

Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида 600 бош зотдор қорамол боқилмоқда.

Фермер хўжалигига қарашли мини сут заводида Исроил технологияси асосида бир сменада икки тонна сут қайта ишланаётир. Ишлаб чиқарилаётган 8 турдаги парҳез маҳсулотлар Ўзбекистон тумани, Қўқон ва Фарғона шаҳарлари аҳолисига етказиб берилмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Умид» фермер хўжалиги ишчиси Ўлмасхон Тўйчиева;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар.

Муқимжон Қодиров *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Дунёдан дараклар

Ишсизлар сони ортмоқда

Америка иқтисодиётида иш ўринларининг қисқариши жадал давом этмоқда. Февраль ойининг якунига кўра, уларнинг сони 650 минг нафарни ташкил этган.

Табиийки, бу ҳолат аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини ҳам қисқартирмоқда. Натижада савдо тушумлари камайиб, банкларга нақд пул тушуми ва амалиётлардаги сурьат даражаси камайган. Бу эса, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози америкаликларнинг ҳар бир аъзосига жиддий таъсир кўрсатаётганини англатади. Мамлакатнинг "General Motors"дан то Citigrouprгача бўлган йирик компания ва банкларида давом этаётган қисқартириш ишлари аҳолини вақимага солган ва оқибатда мамлакат маъмуриятига ишонч йўқолиб бормоқда. Хабарларга кўра, ишсизлар сони яқин ойларда 800 мингтача ортиши мумкин

Кўпгина экспертларнинг фикрига кўра, бу йил Америка иқтисодиёти тарихида энг қийин йиллардан бири бўлади. Мамлакат маъмурияти юзага келган аҳволни бартараф этиш бўйича кескин чоралар кўришга ҳаракат қилаётганига қарамай, иқтисодиётнинг изга тушиб кетиши учун энг камида яна бир йил талаб қилинади.

Полиция ходимларига ҳужум

Кейинги ойларда Шимолий Ирландияда полиция ва қуролли кучлар ходимларига турли жиноий гуруҳлар томонидан тез-тез ҳужум уюштириш ҳолатлари кузатилмоқда.



Шундай ҳужумлардан бири шанба куни Лисмор ҳудудида рўй берди. Экстремистлар Масерина ҳарбий базасига ўт очишган, оқибатда икки ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, яна тўрт нафари жиддий тан жароҳати олган. Ушбу терактни «Ҳақиқий ИРА» деб номланган гуруҳ ўз бўйнига олди.

Буюк Британиянинг мазкур ҳудудида пайдо бўлган бир қатор сиёсий ва диний гуруҳлар мамлакатда юритилаётган сиёсатга ўз норозиликларини шу ва бошқа таҳдидли йўллар билан билдиришмоқда. Ҳукуматга муҳолиф гуруҳлар агар уларнинг талаблари бажарилмаса бундай ҳолатлар мамлакат бўйлаб кўпайишини айтишмоқда. Мамлакат маъмурияти ва сиёсатчиларнинг бундай тажовузларнинг олдини олиш ва воҳада тинчлик ўрнатишга бўлган ҳаракатлари ҳозирча самарасиз бўлмоқда.

Грипп туфайли мактаблар ёпилди



Украинанинг Донецк вилоятида грипп эпидемияси тарқалгани учун карантин жорий қилиниб, 54 та ўрта таълим мактаби ёпиб қўйилди.

Ҳозирча икки ҳафталик карантин ҳолатига олинган мактабларда таҳсил олаётган 16 мингдан ортиқ ўқувчилар навбатдан ташқари таътилга юборилди. Житомирда ҳам бир неча мактабларни ана шу муносабат билан ёпиб қўйиш режалаштирилган. 2009 йил бошида Украинада "А" гриппи вируси рўйхатга олинган эди. Гриппнинг ушбу тури тана ҳароратининг жудаям кўтарилиб кетиши билан ажралиб туради. Ушбу грипп томоқ қичиши билан бошланади, орадан икки соат ўтмай, тана ҳарорати 39-40 даражага кўтарилиб кетади.

Қушлар галаси халақит қилди

Грециянинг Солоники шаҳрида самолёт қушлар галаси туфайли қўнишга мажбур бўлди.

Лондонга учиши режалаштирилган Британиянинг Easyjet авиакомпаниясига қарашли самолёт кўтарилиш пайтида қушлар галасига дуч келиб, фавқулодда қўнишга мажбур бўлди. Қизиғи шундаки, қушларнинг бир қисми самолёт двигатели ичига кириб кетган. Оқибатда 139 йўловчи ва олти нафар экипаж аъзолари эвакуация қилинди. Йил бошидан буён ана шундай ҳолат туфайли бир неча самолётларнинг парвози кутилмаганда тўхтатилган. Шу йилнинг январь ойида Американинг US Airways компанияси самолёти ҳам қушлар галасига дуч келиб, Гудзон дарёсига қўнишга мажбур бўлган эди. Ўшанда учувчининг маҳорати боис 155 нафар йўловчининг ҳаёти сақлаб қолинган.

Уйғониш даври асари ўғирланди

Норвегиянинг Ларвик шаҳридаги черковлардан бирида сақланаётган XVI асрда ишланган нодир сурат ўғирлаб кетилди.

Воқеанинг қандай содир этилгани бўйича турлича тахминлар мавжуд. Черков ходимлари ушбу масала юзасидан бирор баёнот беришолмаса-да, полиция ходимлари воқеа черков ходимларидан бирининг гувоҳлигида содир этилган, деган тахминда.

Ўғирланган буюм Уйғониш даврига тегишли бўлиб, у немис мусаввири Катта Лукас Кранах (1472-1553) мўйқаламига мансуб эди. Сурат черков очилган вақт — 1677 йилдан буён шу ерда сақланган. Мутахассислар фикрича, дунёда ушбу асарнинг ишқибозлари кўплаб топилади ва маҳобатли сурат энг камида 3 миллион АҚШ доллари туради.

Интернет хабарлари асосида Муҳайё Рустам қизи тайёрлади.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

Сурхондарё вилояти

Оғу гирдоби

> Халқимизда: "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади", деган нақл бор. Зеро, кўзи ожиз инсон ҳам бир қилган хатосини иккинчи бор такрорламасликка уринади. Афсуски, орамизда кўзи очиқ бўла туриб, ўз қилмишларидан хулоса чиқармай, жиноятга такрор қўл урган кимсалар ҳам учрайди.

1958 йили Термиз туманида туғилган Шоқул Имомов (исм-шарифи ўзгартирилган) мана шундайлар сирасидан. У қўл урган жинояти учун 1981 йили 7 йилга, 1999 йили 19 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия туфайли муддатидан олдин озод этилган Шоқул хатоларидан сабоқ чиқармади, берилган имкониятдан фойдаланмади.

У гиёҳвандлик кишини залолат ботқоғига ботиришини, инсонларнинг соғлиғи, руҳиятини хароб қилишини, шунингдек, жамиятга зиён етказишини яхши билади. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлардан керакли маълумотга эга бўлган. Лекин нафс балоси оқибатида оғуфурушлик билан шуғулланишдан қайтмади, шу нопок йўл билан бойликка ружу қўйди.

Озодликка чиққач, Шоқул Тошкентдан келган ҳамтовоғи Саид Шариповни учратиб, эски "қаҳрамонликлар"и ҳақида узоқ гурунглашди. Гап орасида Саид бир килограмм "героин" кераклигини, яхши харидорлар борлигини қистириб ўтди. Шоқулдан ёрдам сўраб, агар мўлжаллаган "бизнес" амалга ошса, мўмай "даромад" олиши мумкинлигини айтди. Бу гапни эшитиб, Шоқулнинг хаёли бузилди, эски "дарди" қўзғиб қолди. Кўп йил жазо муддатини ўтаганию, номига доғ туширгани ҳам ёдидан кўтарилди. Ҳаром йўл билан бўлса-да, тез бойиб кетиш илинжида Саид Шариповнинг таклифига рози бўлди. Аслида унга "героин" топиш унчалик қийин эмасди, ўзига ўхшаган нопок ишларга қўл урганлар орасидан танишлар орттирган. Фақат "маҳсулот" нархи "меҳмон"ни қониқтирса бўлгани.

— Бир килограмми уч миллион сўм, — тиржайди Шоқул. — Агар рози бўлсанг, шу бугун "есть" қиламан.

— Мен розиман, — деди "меҳмон". — Фақат бир шартим бор: миллионни ҳозир, қолган икки миллион сўмни эса Қаршига "эсон-омон" ўтиб олганимдан кейин оласан.

Шоқул иккиланмай рози бўлди.

Сурхондарё вилояти ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимларига Саид исмли шахс "героин" гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳрига олиб кетаётгани ҳақида тезкор хабар келди. Жиноятни фош қилиш мақсадида "Нексия" русумли автомашина ҳамда такси ҳайдовчиси сифатида ички ишлар бўлими ходими Ф.Тоҳиров ишга жалб қилинди.

> — Мен розиман, — деди "меҳмон". — Фақат бир шартим бор: миллионни ҳозир, қолган икки миллион сўмни эса Қаршига "эсон-омон" ўтиб олганимдан кейин оласан.

Ф.Тоҳиров жиноятчи гиёҳвандлик воситасини олиб йўлга чиққани ҳақида Бойсун туман "Дарбанд" йўл патруль хизмати ходимларига хабар берди. "Нексия" тўхтатилиб, автомашинадан газетага ўралган оқ-сариқ рангли кукунсимон модда — "героин" топилди.

Саид Шариповнинг ўз айбини тан олишдан ўзга чораси қолмади. У дастлабки терговдаёқ гиёҳвандлик моддасини термизлик Шоқул Имомовдан олгани ҳақида кўрсатма берди. Шоқул эса, Саид Шариповни танишини, унга гиёҳвандлик воситаси сотганини бўйнига олмади. Суд унинг сўзларини жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш учун ўйлаб топилган баҳона, деб ҳисоблади. Ш.Имомов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан 14 йил озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, суд кодекснинг 34-моддаси 3-қисмининг "а" бандига асосан, уни ўта хавфли рецидивист, деб топди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейди халқимиз. Жиноий йўл билан бойлик орттиришга уринган оғуфурушнинг "фаолияти"га шу тариқа чек қўйилди. Бироқ ачинарли томони шундаки, бошқаларга ўрнак бўладиган ёшда ҳам Шоқулнинг ақли кирмади. Тенгқурлари ўз фарзандларининг камолини кўриб, невараларининг тўйини қилиб, бахтли яшаётган бир пайтда, у яна панжара ортида ўтирадиган бўлди.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бойсун тумани судининг раиси,
Эркин МУҚИМОВ,
журналист.

Якка тартибдаги тадбиркор Шарипова Инга Эркиновнага Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 06.05.2004 йилда 344/09-рўйхат рақами билан берилган ЖШ№ 010344-серияли "Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат ГУВОҲНОМАСИ" йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

«Akadem-xizmat» шуъба корхонаси ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади. Даъволар икки ой муддатда қабул қилинади. Тел.: 232-65-18

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви жамғарманинг Фарғона вилояти Марғилон шаҳар бўлинмаси раиси **Мусинжон МЕЛИБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАЪНАВИЯТ

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги

Устоз ҳаёти — ёшларга сабоқ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улардан мерос қолган асарлар, ибратли амаллар ёш авлод учун ҳамиша намуна сифатида хизмат қилаверади. Устоз Озод Шарафиддинов ана шундай инсонлардан эди. Ёдимда, биз учинчи курсдалигимизда домла «Асарда муаллиф сўзи» мавзусида махсус курс ўқитганди. Мавзуга оид адабиётлар, асосан, рус тилида бўлиб, биз учун асосий қўлланма домланинг маърузалари эди. Домла, одатда, теша тегмаган, янги мавзуларда махсус курслар ўқишни маъқул кўрар, янгиликка интилар, талабаларга чуқур билим беришга астойдил ҳаракат қиларди.

Озод ака мушоҳадаси кенг олим эди. Жаҳон адабиётини, инсоният тафаккур тарихини яхши биларди. Пахта далаларидаги суҳбатларда бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Яхши китобни ниҳоятда қадрлаган устоз бир гал Сенеканинг «Луклицияга мактублар» асарини кечикиброқ ўқигани, бу китоб ҳар бир зиёлининг столи устида туришини хоҳлашини айтганди. Домла адабиётнинг ҳар қандай жанридаги асарни теран таҳлил қилиб, ўзининг фикрини билдира оладиган олим бўлса-да, шеърият ҳақида ёзганда қаламидан нур ёғиларди. Шеърни Озод Шарафиддиновдек тушуниб таҳлил қиладиган, теран мушоҳада этадиган олимлар кам. Зотан, устоз ўзи қалбан, руҳан шоир эди. Руҳиятида шеърият сеҳри бўлмаган одам поэтик асарлар ҳақида гўзал мақола ёза олмайди. Унинг «Замон. Қалб. Поэзия» китоби адабиётшунослигимизда воқеа бўлганининг сабаблардан бири ҳам қалбидаги шеърият туғёнини илмий салоҳият билан уйғунлаштира олганидадир.

Домладаги ҳақиқатга ташналик, адабиётни азиз билиш, тарафкашликка йўл қўймай, тўғри сўзни ўз ўрнида ҳамда вақтида айта олиш фазилати ёзган илмий асарларига ҳам кўчгандек. Бу устознинг ижодий сиймосининг бутунлигини кўрсатади. Эндигина нашрдан чиққан «Домлалар» китобида ҳам Озод Шараффидиновнинг ижодига хос бўлган ибратли жиҳатлар ўз аксини топган. Истеъдоди йилт этган ёшларни кўрса ўз фарзандидек қўллаб-қувватлар, тарбиясига оларди. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айни пайтда ҳақ сўзни топиб айтган Озод аканинг танқиди ҳам ғаразсиз бўлардики, ижодкорлар буни тўғри қабул қилишарди. Озод Шараффиддиновдаги яна бир ўрнак бўларли фазилат бардошли бўлиш, қаламини қўлдан қўймай ижод қилишдир. Устоз умрининг сўнгги йилларида кетма-кет жарроҳлик амалиётларини бошидан кечирганига қарамай, ўнлаб бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, халқимиз маънавий хазинасини бойитди.

Озод Шарафиддиновдаги буюк жасорат Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида жуда ёрқин ифодалаб берилган. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «...бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз».

Домланинг фаолияти ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган ва яна ёзилажак. Ҳар бир янги авлод Озод Шарафиддиновнинг ҳаёт ва ижодий йўлидан ўзига ибрат топади. Умр бўйи илм олишга интилиш, билмаганни билиш истаги устозни сўнгги нафасигача тарк этмагани ўзи бир ўрнак. Бир умр Миллий Университетда талабаларга сабоқ берган профессор, муҳтарам устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ва ижоди барчамизга сабоқ бўлиб қолди.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти.

Тўйхона сабоқлари

Халқимизнинг оила ва оилавий муносабатларга дахлдор кўплаб қадимий анъана ва удумлари бугунгача сақланиб, юртдошларимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда. Ана шундай удумлар сирасига қиз узатиш билан боғлиқ маросимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Газетамизнинг шу йил 25 февраль сонида совчилик билан боғлиқ расм-русумлар ҳақида мақола эълон қилгандик. Бугун ушбу мавзуни давом эттириб, "Нон синдириш" (баъзи жойларда "Нон ушатиш", "Патир синдириш" ҳам дейилади) маросими ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Қиз уйида "НОН УШАТИЛДИ"

Қадимий удумларимиздан бири — "Нон ушатиш" ёки "Патир синдириш" маросими, одатга кўра, "Совчилик", "Оқ ўраш" ёки "Белги бериш" сингари удумлардан кейинги маросим ҳисобланади. Қадимда ота-боболаримиз совчиларни элчилар, деб билишган. Шу боис, қизи бор оила, ижтимоий мавқеи қандайлигидан қатъи назар, совчиларга ҳеч қачон беписанд муносабатда бўлмаган. Бугунги кунда ҳам маҳалланинг энг обрўли, ҳурматли одамлари совчиликка юборилади. Совчилар бирикки бор ташриф буюришгач, қизнинг ота-онаси розилик билдирса, "Нон ушатиш" маросими куни белгиланади.

Шундан сўнг йигит томонидан уч-тўрт қариндоши баъзи жойларда ота-онаси ҳам бирга совчи бошчилигида қуданикига йўл олади. Улар ўзлари билан патир ва нонлар, ҳар хил ширинликлар, баъзи жойларда, сарполар олиб борадилар. Мезбонлар қудаларни иззат-икром билан кутиб олишади. Қизникига совчи бўлиб борган вакиллардан бир аёл ва бир эркак йигит оиласининг ишончли вакили сифатида иш тутади. Таомдан сўнг йигит томондан келган вакил бугун қилинаётган тадбир ҳақида сўз очиб, ҳар иккала ёшнинг келгуси бахт-иқболи тўғрисида гапиради.

Қиз томоннинг обрўли вакили тавозе билан бугунги йиғин "Нон синдириш" маросими эканлигини яна бир бора таъкидлайди. Дастурхонда бир патнисда жуфт ҳолда патир ва нон, иккинчи бир патнисда майиз, ҳолва, пашмак ва ширинликлар олиб келинади. Эл ичида обрўси баланд, кўпни кўрган, ували-жували, серфарзанд-сердавлат отахондан патирни ёки нонни синдириш сўралади. Даврада ўтирганлар ҳам бу фикрни маъқуллайди. У киши "Бисмиллоҳир Раҳмонир роҳийм" деб, бир жуфт нонни иккига бўлиб, ушатади. Сўнг нон синдириш маросими ўтказилаётган икки ёш бир-бирига меҳр-садоқатли, аҳил-иноқ бўлиши учун, шунингдек, уларнинг никоҳ тўйлари файз-барокатли ўтишини, ёшлар ували-жували бўлишини тилаб дуо ўқийди.

Кейин тадбирда қатнашаётган ҳар бир кишига бир бўлакдан ушатилган нон ва майиз, ҳолва тортиқ қилинади. Келганлар яхши ният билан ширинликларни фарзанду набираларига олиб кетишади. Маросим охирида ёшлар ва ўтиб кетганлар ҳаққига дуо ўқилади.

"Нон ушатиш" маросимида тўй сарф-харажатлари, бўлажак қариндош-уруғчилик масалалари ҳақида ҳам ўзаро келишиб олинади. Масалан, "Фотиҳа тўйи" куни белгинади.

Таъкидлаш жоизки, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган турли маросим ва удумлар давр ўтиши билан ўзгариб бормоқда. Чунончи, "Нон ушатиш" маросими баъзи бир ҳудудларда айнан биз юқорида айтгандек ўтказилмаслиги ҳам мумкин. Халқимиз миллий удум ва анъаналар моҳиятига путур етказмаган ҳолда, уларга замонга мослаб ўзгартиришлар киритмоқда. Масалан, "Нон ушатиш" маросими икки ёшнинг ўзаро розилиги, бир-бирига ҳар томонлама муносиблиги эътиборга олингач, уларнинг ота-оналари келишувига мувофиқ ўтказилиши одатга айланди. Нима бўлганда, ҳам бу каби гўзал удумларимиз ёшларнинг мустаҳкам оила қуришида пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Саид АЛИМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ доценти.

Мулоҳаза

Интернетда танишув: фойдалими ёки зарар?

Ўтган йили пойтахтимиз кинотеатрларидан бирида "Севгинатор" фильми намойиш қилинди. Фильмдаги бир лавҳа мени ҳайрон қолдирди.



Аэропортда хорижлик бир қиз қўлида "Фаррух", деб ёзилган қоғозни кўтариб турибди. Бир қараганда оддий ҳол, Фаррух исмли таниши уни кутиб олишга чиқиши керак. Йигит келди, аммо ёзувни ушлаб олган қизни кўриб, бекинди. Кейинчалик маълум бўлдики, улар интернет орқали танишишган. Қиз ўзининг сурати ўрнига аллақайси бир гўзал актрисанинг расмини юборган. Йигит унинг ўзини кўргач эса...

Кейинги пайтларда айрим йигит-қизларимизнинг чет эл-ликлар билан интернет орқали танишиб, уларга уйланаётгани ёки турмушга чиқаётгани ҳақида эшитяпмиз. Бугун интернет инсон ақлининг буюк кашфиёти сифатида катта имкониятлар эшигини очди. Эндиликда кишилар интернетда яъни "стулда ўтирган ҳолда" танишишни афзал билишмоқда. Бунга ихтисослаштирилган сайтлар сони эса йилдан-йилга ортиб боряпти. Бу каби танишиш ҳар жиҳатдан қулай: анкета тўлдирасиз ва расмингизни жойлаштирасиз, холос. Шундан сўнг фақат кутиш қолади. Чатларда эса тўғридан-тўғри суҳбатлаша бошлайсиз. Ғарбда бундай танишишдан аллақачон воз кечилган бўлса, бизда русумга айланди. Биргина mail.ru сайтининг интернет танишув деб номланган саҳифасида турар жойи "Ўзбекистон — Тошкент" бўлган 19 минга яқин кишининг анкетаси жойлаштирилган. Ўзбек чатларига эса бир кунда ўртача 1000 дан ортиқ фойдаланувчилар киради.

Бу каби сайтлар ва чатлар илгари уйдан ташқарига чиқиш имконияти бўлмаганлар ёки ёши бир жойга бориб қолган, кўнгли суҳбат тусаган кишилар учун ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик оламшумул янгиликка айланди. Кўпчиликнинг фикрича, бу дўстлар орттиришнинг, вақтичоғлик қилишнинг, қизлар ёки йигитлар билан танишишнинг энг қулай усули экан.

Лекин қулайликнинг салбий томони шундаки, бугун интернет кафеларда ўтирган фойдаланувчиларнинг 90 фоизини 15-20 ёшгача бўлган ўқувчи ва талабалар ташкил этади. Уларнинг интернетга сарф этаётган пуллари ё тушлик ёки бошқа бирон эҳтиёжи учун берилган. Талаба ёки ўқувчига "интернет танишув» нима учун керак? Унинг дарс қилиш, китоб ўқиш ўрнига вақтини кўнгилхушликка сарфлаётгани тўғрими? Чатлардаги суҳбатга назар ташласангиз, аксарият ҳолларда сўкиш, ҳақорат ва мазаҳдан нарига ўтилмайди. Танишув сайтларидаги анкеталар муаллифларининг нияти яхшилигига ким кафолат беради?

Яқинда ҳали турмушга чиқмаган бир касбдошим интернетда бир йигит билан танишиб қолибди. Унинг сўзларига қараганда, бола олий ўқув юртларининг бирида ўқиркан. У суҳбат чоғи тинмай телефон рақамини сўрар ва учрашишни илтимос қиларди. Аммо икки ҳафта давом этган ёзишмалардан сўнг йигитнинг уйлангани, иккита боласи борлиги маълум бўлди.

Дарҳақиқат, виртуал танишувда хат ёзишаётган инсоннинг аслида кимлигини ҳам, мақсади нима эканлигини ҳам билмайсиз. 2007 йилнинг август ойида Япония полицияси 16 ёшли қизни ўлдирганликда гумон қилинаётган жиноятчини ҳибсга олган. Суриштирув чоғида маълум бўлишича, қотил ўз қурбони билан интернет орқали танишган экан.

АҚШ фуқароси Альфред Макмиллан интернет орқали танишган қизи билан учрашиш учун Москвага келади ва биринчи учрашувдаёқ жабрдийдага айланади. Макмилланнинг таниши Юлия Дубина белгиланган жойга икки бақувват йигит билан келиб, америкаликнинг паспорти ва 380 долларини тортиб олади.

Юқоридагилардан хулоса шуки, интернетдаги танишув сайтлари бу ёлғиз кишилар учун ўз бахтини топишга ёрдам берадиган ижобий янгилик бўлиши мумкин. Бугун интернетда танишув оқибатида алданиб қолаётган ёки ўғри, муттаҳамлар тўрига илиниб турмуши бузилаётганлар бор. Шундай экан, ҳар нарсадан ўз ўрнида фойдаланиш, имконияти қулайликларнинг ижобий томонларига маҳлиё бўлмай, салбий жиҳатлари устида ҳам бош қотириш фойдадан ҳоли эмас.

Дилноза ҲАЙДАРОВА

Ибрат кўзгуси

Даминча бувадан ўрганинг

Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг амали йўқ, бизнес билан ҳам шуғулланмайди. Бироқ улар ҳаракатчан, уқувли, муҳими — ҳисоб-китобли. Даминча бува Мерганов бу йил 85 баҳорни қаршилади. У киши бир гапни кўп такрорлайди: "Агар рўзғорингда бир сигир, 10-15 та товуқ бўлса, ҳар қандай шароитда қийналиб қолмайсан, тирикчилигинг ўткаверади. Ақлимни танибманки, рўзғорим сигирсиз қолмади.

Сигир нафақат ўзини ёки орқасидаги бузоғини, сени ҳам боқади. Агар сути ёғли бўлса, дастурхонинг ҳам, қозонинг ҳам мойга тўлади. Бир сигир билан 10-15 товуқни боқиш машаққатли иш эмас. Даромадини ҳисобласанг қувонасан — ўн коса қатиқни 400 сўмдан 4000 мингга, 10 та тухумни 200 сўмдан 2000 мингга сотсанг, бир кунда рўзғорингга 5-6 минг сўм пул киради. Бир ойга ҳисобласанг 150 минг сўмдан ортади".

Бувaнинг биринчи турмушларидан бир қизи бор, аёллари эрта ўтиб кетган. Ўттиз йил бурун серфарзанд бир аёлга уйланиб, унинг ҳам уч қизини тарбиялаб, турмушга узатган. Шундан сўнг, серфарзанд синглисининг уч фарзандини уйига олиб келиб, тарбиялади. Катта жияни Иброҳимга олти хонали уй қуриб, кўчирди. Ҳозирда иккинчи жияни Латифжон билан бирга яшамоқда. Латифжон «Абдураҳмон ота» фермер хўжалигида ишлайди, топиш-тутиши яхши. Набиралари мол, қўйларини далада боқишади. Бува: «Агар мол, қўйлар далада, яйловда юрса, тез урчийди», дейди.

Ўтган аср 70-йилларнинг бошларида Қизилравот хўжалигида пахта терардик. Ўшанда бувaнинг велосипедда Учқўрғондан кунжара ташиганини кўрганман. 50 ёшдан ошганда 50 километрлик йўлдан велосипедда 60 килограмм кунжара олиб келишнинг ўзи бўлмайди.

Қишлоғимиздаги жомъе масжид очилишида бува иккита қўй сўйиб, ҳаммани меҳмон қилди. Лекин бу саховатини миннат қилиб, бирор-бир кишига мақтанганини эшитмадик.

"Муборак" маҳалласи Ёрқўрғон қишлоғидаги энг катта ҳудудлардан бири. Бува эҳсонми, ифтор қилса, бутун маҳаллани айтади. Кўп кексалар ҳазил-ҳузулни кўтармайди, лекин Даминча бува табиатан ҳазилкаш, барча билан бирдай ҳазил-ҳузул қилиб кетаверади. Куни кеча оталаридан қолган, тарихи 100 йилларга бориб тақаладиган уйни янгилаш учун маҳалла аҳлини йиғди. Улардан розилик сўраб, эҳсон ўтказди. Ҳовлини айланиб, янги уй қуриш учун келтирилган тош, ғиштларни, эшик олдида тахлаган шеф-ирларни кўрдим. Хурсанд бўлдим, бувага ҳавасим келди. Бу пиру бадавлат инсон яна кўп йиллар маҳаллага, ҳамқишлоқларига бош бўлиб юришига тилакдошмиз.

Олимжон ЮНУСОВ,
Уйчи туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Кашқадарё вилояти

"Севинч"нинг ғалабаси

Қарши шаҳрининг "Севинч" қизлари футбол жамоаси яқинда Москва шаҳрида мини футбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиқиб, бош совринни қўлга киритган эди. Жамоа Қаршига қайтгач ғалаба одимларини давом эттирди. 26 февраль — 3 март кунлари Қаршида бўлиб ўтган аёллар ўртасида Ўзбекистон бешинчи чемпионатининг иккинчи турида Бухоронинг "Ёшлик", Андижоннинг "Андижанка", Навоийнинг "Строитель-Зарафшон", Самарқанднинг "Шердор", Қаршининг "Олимпия" жамоаларини мағлуб этиб, пешқадамликни қўлга киритди.

Чемпионатнинг учинчи тур баҳслари 15-19 март кунлари Андижон шаҳрида ўтказилади.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Оилавий мутолаа

"Mahalla" шифохонаси

ЙОД ТАНҚИСЛАШГАНДА...

Йод моддаси одам қалқонсимон безининг меъёрий фаолияти учун зарур кимёвий модда ҳисобланади. Ҳаёти давомида ҳар бир одам учун муайян миқдорда йод керак бўлади. Йод организмда узоқ муддат сақланмаслиги сабабли таркибида ушбу модда бор маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилиб туриш керак.

Қалқонсимон без мия ва тананинг муайян ривожланиши ҳамда фаолияти учун зарур бўлган тироксин ва уч йодтиромин гормонларни ишлаб чиқаради. Қалқонсимон без томоқда, бўйиннинг олдинги қисмида жойлашган. Инсон ёши улғайган сари қалқонсимон без кичрайиб боради. Агар инсон танасида йод танқислиги вужудга келса, қалқонсимон без кенгаяди ва катталашади. Бу ҳолат буқоқ, деб номланади. Ҳозирда баъзи маҳсулотлар йодланган ҳолда сотувга чиқарилмоқда. Булар орасида энг кўп тарқалгани ош тузидир. Ош тузи таркибидаги йод миқдори олти ойгача ўз хусусиятини йўқотмайди.

Айтиш керакки, ҳомиладор аёлларда йод етишмовчилиги ҳомиланинг чала ёки ўлик, шунингдек, ақлий заиф ва жисмоний ногирон туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Болаларда йод етишмовчилиги эса ақлий ва жисмоний ногиронликка олиб келади.

Мамлакатимиз ери, суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари етарли даражада йод миқдорига эга эмас. Бу муаммони озиқ-овқат маҳсулотларига йодланган ош тузини қўшиш билан ҳал этиш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳон бўйича аҳоли истеъмол этадиган ош тузини йодлашга сарфланадиган харажатлар бир миллион икки юз минг АҚШ долларини ташкил этса, йод танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликларни даволашга сарф бўладиган маблағ бундан 190 маротаба кўп, яъни 228 миллион долларга тенг экан.

> Ҳозирда баъзи маҳсулотлар йодланган ҳолда сотувга чиқарилмоқда. Булар орасида энг кўп тарқалгани ош тузидир.

Авваллари йод танқислиги фақат буқоқ касаллигини келтириб чиқаради, деб қаралар ва бунга етарлича эътибор берилмасди. Эндиликда йод етишмовчилиги хавфли оқибатларга — ақлий заифлик ва мия шикастланишига олиб келиши аниқланди.

Баъзи кексаларимиз хурмо ва ёнғоқ кўп истеъмол қилинса, буқоқнинг олдини олади, дейишади. Бу гапнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида Республика Эндокринология институти 2003-2004 йиллари тажриба ўтказиб, хурмо, ёнғоқ таркибидаги йод миқдори аниқланди: 100 грамм хурмодаги йод миқдори 2,8 мг. ва шунча ёнғоқдаги йод миқдори 4,6 мг. экан. Бу камми ёки кўпми? Биз бир кунлик йодга бўлган эҳтиёжимизни қондириш учун ҳар куни 3,6 кг хурмо ва 2,2 кг ёнғоқ истеъмол қилишимиз керак экан. Беморларга, соғлом йигитларга тажриба сифатида берганида, улар уч кундан сўнг хурмо ва ёнғоқни ея олмай қолишди. Ўзбекистонда табиий йод моддаси ер ва ўсимликларда етарли бўлмаганлиги учун бундай ёндашув самарали ҳисобланмайди.

Сутга йод эритмасини қўшиб истеъмол қилиш ҳам тўғри эмас. Афсуски, йоддан ўз билганича фойдаланаётганлар ҳам учраб туради. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, касаллик авж олмасдан олдин мутахассисга мурожаат қилган маъқул.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Mahalla
ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Саидолим Ҳайдаров
Навбатчи: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Аброр Ярматов
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

2 3 4 5 6 20301 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 Топширилди — 23.45